Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1995 йил 28 январь, шанба ● № 8 (10.684) ● Эркин нархда сотилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1995–1996 ЙИЛЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАЖМУИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1995—1996 йилларда агросаноат мажмуининг моддий-техника базасини тракторлар, пахта териш машиналари, асбоб-ускуналар билан мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоққўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда агросаноат мажмуи хўжаликлари, корхоналари ва ташкилотларидаги мавжуд барча қишлоқ хўжалиги техникасини қайта рўйхатдан ўтказсинлар, унинг техник ҳолатини аниқласинлар ҳамда белгиланган тартибда жисмоний эскирган техникани балансдан чиқарсинлар,

2. «Ўзмашсаноат» уюшмаси, «Ўзқишлоққўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси 1995-1996 йилларда хўжаликларга энг муҳим қишлоқ хўжалиги техникасининг етказиб берилишини таъминласинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, «Ўзмашсаноат» уюшмаси, «Ўзқишлоққўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасининг 1995-1996 йилларда хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толасидан «Ўзмашсаноат» уюшмаси ва «Ўзқишлоққўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси корхоналарига материаллар, бутловчи буюмлар, техника ва эҳтиёт қисмлар олиб келиш учун пахта толаси ажратиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоққўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси хўжаликлар томонидан берилган буюртманомаларга биноан қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган эҳтиёжни, ҳар қайси буюртманома бўйича ушбу техникани сотиб олиш учун зарур бўлган пахта толаси ҳажмларини аниқласинлар ва умумлаштирилган материалларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

5. «Ўзмашсаноат» уюшмаси ва «Ўзқишлоққўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси корхоналари бир ой муддатда хўжаликлар билан олдиндан етказиб бериладиган пахта толасига айирбошлаш эвазига уларга қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш, шунингдек, «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси билан пахта толасини Ўзбекистон Республикаси ташқарисига сотиш ҳамда бундан тушган маблағларга бутловчи буюмлар, қишлоқ хўжалиги техникаси ва улар учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш юзасидан шартномалар тузсинлар.

«Ўзмашсаноат» уюшмаси ва «Ўзқишлоққўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси корхоналарига пахта толасини Ўзбекистондан ташқарига етказиб беришни бевосита моддий-техника ресурслари ва эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи корхоналарга, илгари тузилган шартномалар бўйича, бартер асосида амалга оширишга рухсат этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, давлат солиқ қўмитаси, «Ўзулгуржибиржасавдо», «Ўзмашсаноат» уюшмалари, «Ўзқишлоққўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси ажратиладиган пахта толасини республика ташқарисига олиб кетиш ва сотиш бўйича ҳужжатларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласинлар.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоққўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

мавжуд техникадан фойдаланишни, уларнинг сақланишини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар, техника сақланадиган бостирмалар ва майдончалар қурилишини таъминласинлар;

техникани тузатиш ва техника хизмати кўрсатиш учун хўжаликлар устахоналарининг ва «Ўзқишлоққўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси тузатиш корхоналарининг қувватларидан тўлиқ фойдалансинлар;

қишлоқ хўжалигининг механизаторларга бўлган эҳтиёжини икки йил мобайнида тўлиқ қондиришни ҳисобга олган ҳолда механизатор кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича икки ой муддатда аниқ дастур ишлаб чиқсинлар.

8. «Ўзмашсаноат» уюшмасининг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг техник мустаҳкамлигини ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 январь.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

НОН-ИЙМОН ҚАДАР МУҚАДДАС



НОН! Бу уч ҳарфдан иборат оддийгина сўз замирида қанчалар чуқур маъно борлигини гоҳида тасаввур ҳам қилавермаймиз. Ҳа, нон чиндан ҳам иймон қадар муқаддасдир. Халқимизнинг кундалик ҳаётига разм солган киши буни дарҳол пайқайди. Етти яшардан етмиш яшаргача ўзини билган инсон ерда ётган нон бурдасини олиб ўпади ва кўзига суртади. Муниса онахонлар аскарликка кетаётган жигаргўшаларига ой бориб, омон келгин, дея нон тишлатадилар. Узоқ сафарга чиққан мусофир белида, албатта, бир жуфт нон бўлади. Нон кирмаган хонадон йўқ. Хонадон борки, ҳар куни неча бор нон танаввул қилади. Нон, нон, нон!..

Мамлакатимиз истиқлолга юз тутгач республикамиз Президенти ва ҳукумати ўз олдига ғалла мустақиллигига эришиш вазифасини асосий мақсад қилиб қўйди. Юртбошимиз катта-кичик йиғинларда ҳозирги пайтда аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлаш хусусида ҳамиша жон куйдириб гапирмоқда... Шу боис нон муаммосига тааллуқли масалаларни ижобий ҳал этиш учун барча ерда аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни анча кўпайтириш, товарлар турларини ошириш юзасидан амалий қадамлар ташланмоқда. Натижалар анча қувонарли. Аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар бўлмаяпти. Устига-устак биздаги нонниг нархи МДҲ бошқа давлатларидагига қараганда анча арзондир.

— Ҳукуматимиз қўйган вазифалардан келиб чиқиб, дон саноати корхоналари фаолиятини, шунингдек, нон комбинатлари ишини тубдан яхшилаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз,— дейди Тошкент дон маҳсулотлари худудий ишлаб чикариш бирлашмаси бош директори Тожибой Шодимов.— Бу борада, айниқса, унни қопсиз ташиш ва сақлаш борасида қилинаётган янгиликлар яхши самаралар бермоқда. Биргина Олмалиқ нон заводида 90 фоиз ун қопсиз ташилмоқда. Чирчиқ нон комбинатида ҳам темирйўлдан фойдаланиб, янги усул тадбиркорлик билан жорий этилмоқда.

...Худди шундай. Ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб, машинасозлик заводларида хамир қориш ва хамир тақсимлаш машиналари ўзлаштирилди, турли хил нон қолиплари ва компрессорлар яратилди. Унни идишларсиз сақлаш жиҳозларининг оммавий лойиҳадаги турларини шу кунларда Паркент, Қибрай, Зангиота туманларидаги нон корхоналарида кўриш мумкин.

Қибрай туманидаги «Ширин» магазинида стандарт автоун ташиладиган ҳажмлар ўрнатилган. Зангиота туманидаги «Назарбек» ҳамда «Ўзбекистон» савдо марказларида бундай ҳажмлар қўлда ясалди. Юқорида айтилган «Ширин» дўкони бир ойда 17 тонна ун тақсимлайди.

Бундай янгиликлар натижасида нон корхоналарида иш унуми юқори бўляпти, қўл меҳнати қисқаряпти, нон қолипларидан фойдаланиш муддати узаяпти, нон пиширишга мосламаларида туриб қолишлар бўлмаяпти. Натижада рентабеллик 2 фоиздан 4 фоизга кўтарилди. Цехларнинг санитар ҳолати кескин яхшиланди, маҳсулотларнинг истеъмолга яроқсизлик ҳолатлари озайди.

Лекин, аҳолини нон билан таъминлашда ҳамон камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бундай нуқсонлар бир томондан лоқайдлик, эътиборсизлик, эртанги кунни ўйламаслик туфайли бўлаётган бўлса, иккинчи жиҳати жойларда ҳамон ун ва нон маҳсулотлари исрофгарчилигига йўл қўйилмоқда. Биринчи ҳолатни олиб кўрайлик. Гоҳо-гоҳида автобусларда ва бошқа уловларда қопларига ўнлаб буханкаларни тиқиштириб олган кимсаларни учратиш мумкин. Во ажаб! Улар ҳамон кундалик ризқ-рўзимиз бўлган нонни уй-ҳайвонларига бериш билан машғул бўлмоқдалар. Иккинчи ҳолатда эса нон корхоналарида ишлайдиган айрим нонвойлар ўз касбларининг муқаддас эканлигини унутиб қўйиб, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш тутмоқдалар. Натижада анчамунча ун маҳсулотлари исроф бўлмоқда. Сифатсиз нонлар эса баъзан дўконлардан қайтиб келмоқда.

Бугун биз аҳолини нон билан етарли даражада таъминлаш хусусида ўйлар эканмиз, асосий масала — нонниг сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш муаммосини ҳал этишимиз лозим. Сир эмас, корхоналарнинг кўпгина раҳбарлари асосан қолипли нон тайёрлашга берилиб кетганлар. Ўзимизнинг миллий обинонларимиз ва халқ анъанаси усулида тайёрланадиган пиширикларимизни бир қадар унутиб қўйганлар. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, обинонларимиз хусусий нонвойларникига қараганда икки-уч баробар арзон тушмоқда ва уларни аҳоли жон деб харид қилмоқда. Икки рақамни тақослаб кўпайлик: Фарғона вилоятида обинонлар ёпиш 17,5 фоизни ташкил этса, Тошкент вилоятида у бор-йўғи 3,3 фоизни ташкил этади. Демак, илғор тажрибаларни кенгроқ ёйишимиз лозим бўлади. Бизнинг вилоятимизда ҳам уста нонвойларни кўплаб топса бўлади. Уларни мазкур ишга жалб этиш билан биз уларни ҳам иш билан таъминлаган бўламиз, ҳам нон маҳсулотларини кўпайтиришга ҳисса қўшамиз.

Шу кунларда аҳолининг нон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун замонавий тегирмонларни кўплаб қуриш ёхуд ишлаб турганларини таъмирлаш ва қувватини ошириш талаб этилмоқда. Сўнгги йилларда Қуйичирчиқ, Бўстонлиқ, Бекобод ва бошқа жойлардаги дон маҳсулотлари қорхоналарида бир нечта янги тегирмонлар ишга туширилди. Жумладан, Қуйичирчиқ туманидаги «Бинокор» дон маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхонада кунига 650 тонна ун чиқарадиган янги тегирмонларнинг ишга туширилиши кўзланган натижаларни беради, деб ўйлаймиз.

Нон азиз, ушоғи ундан азиз, деган гап бежиз айтилмаган. Ота-боболаримиз азалдан нон ёпиладиган жойларни зиёратгоҳ ҳисоблаб, уларни ниҳоятда тоза ҳолда тутганлар. Афсуски, кейинги пайтларда бу анъаналар ҳам унутилди. Гоҳида баъзи бир нон корхоналари ва тегирмон атрофларида нохуш манзараларни кўриш мумкин. Албатта, бу бизнинг азалий ақидамизга тўғри келмайди. Шу сабабдан баъзи корхоналарда ҳафтанинг бир кунини тозалик куни деб эълон қилинганлиги айни муддао бўлмоқда.

Иқтисодий муносабатларга ўтиш тежамкорлик ишларини кучайтиришни тақозо этмоқда. Шу маънода суюқ хамиртурушлардан фойдаланиш катта самаралар бериши турган гап. Прессланган хамиртурушларга қараганда суюқ хамиртурушлар анча арзон бўлиб, у нонниг сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Дон, нон маҳсулотларини кўпайтирайлик, уларнинг қадрига етайлик, дейиш билан иш битмайди. Бу қоидаларга ҳар биримиз кундалик ҳаётимизда оғишмай амал қилган тақдиримиздагина асосий мақсадга эришиш мумкин. Келинглар, ҳаммамиз бу хусусда бош қотириб кўрайлик. Дон маҳсулотларининг сероблигига эришиш, нонни эъзозлаб, авайлаб, тежаб-тергаб истеъмол қилиш ва унинг сарфиётини кузатиш ҳаммамизнинг кундалик ишимиз бўлиб қолмоғи керак.

БЕҲАД МИННАТДОРМИЗ

ҲУРМАТЛИ ўғил-қизларим! Мен илгарилари газетага ҳеч ёзмаганман. Аммо бугунги кунда уруш қатнашчиларига ва ўша оғир йилларда фронт орқасида меҳнат қилган кишиларга юртбошимиз, жойлардаги раҳбарлар алоҳида ғамхўрлик кўрсатишяптики, бундан кўнглим тўлиб ёзишга жазм этдим. Айниқса, яқингинада бўлиб ўтган тантана фахрийларни улуғлашга бағишланганидан бизларни иззат-икром билан туман ҳокимлиги фаоллари, фарзандларимиз қутлашганидан беҳад миннатдормиз.

Бу тантанада туман ҳокими Мирзахўжа Қалқулов кўпгина уруш қатнашчилари қатори менинг кўксимга ҳам «Жасорат» медалини тақиб қўйди. Тенгдошларим орасидан анчалари бундай медаллар билан мукофотланишди. Фронт орқасида меҳнат қилганлар эса «Шуҳрат» медали билан тақдирланишди.

Шу куни бутун Янгибозор кўрғонида байрам бўлиб кетди. Тадбир қатнашчиларига ош тортилди. Санъаткорлар концерт кўрсатишди. Бу тадбирдан дилимиз чоғ бўлиб, биз кексалар президентга, ҳукуматга, туман раҳбарларига раҳматлар айтдик. Шу куни тумандаги 357 та «Шуҳрат», 411 та «Жасорат» медалига сазовор бўлган фахрийлар номидан мен ҳам сўзга чиқдим.

Ҳали яна қанча кексаларга бундай мукофотлар топширишдан вокиф бўлиб, бошимиз осмонга етди. Ана шу ҳурсандчилигимизни билдириб кўйиш мақсадида сизларга хат йўлладим. Бизга кўрсатилаётган меҳрибонлик учун яна бир бор мустақил республикамиз раҳбарларига ташаккур.

А.Абдуқодиров, уруш фахрийси Юқоричирчиқ туманида.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ САМАРАСИ

Оҳангарон туманига қарашли Эйвалек қўрғонидаги 99-дорихона масъулияти чекланган жамиятга айлантирилганига кўп бўлгани йўқ. Янгича ишлаш тез орада ўз самарасини берди. Ҳозир ўн бир мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатаётган бу дорихонадан зарур дори-дармонларни бемалол харид қилиш мумкин. Тадбиркорлар, шунингдек, аҳолига халқ табобати усулида малҳамлар тайёрлаб беришни йўлга қўйди.

Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

ФАХРИЙЛАРГА БЕПУЛ ХИЗМАТ

ЎРТАЧИРЧИҚ туманида уруш фахрийларининг хонадонларини тўлиқ телефонлаштириш, газ, сув, электр энергияси ва бошқа коммунал хизмат турларини бепул қилиш масаласи шу йилнинг 1 мартига қадар ҳал қилинадиган бўлди.

Бу ҳақда туманда Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш юзасидан бўлиб ўтган йиғилишда келишиб олинди. Туман ҳокимининг муовини Ҳамид Норқулов, туман фахрийлар кенгашининг раиси Ҳолмат Масидиқовлар бу муҳим сана олдидан ўтказилиши лозим бўлган бошқа тадбирлар хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдиришдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВОСГА ЖЎНАБ КЕТДИ

27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов умумжаҳон иқтисодий анжуманининг анъанавий учрашувида қатнашиш учун Швейцариянинг Давос шаҳрига жўнаб кетди.

— Давос шаҳрида кўпдан буён жаҳондаги энг кўзга кўринган иқтисодчилар, сиёсатчилар, ишбилармонлар, йирик компаниялар раҳбарлари ва олимлар тўпланди, — деди мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан журналистлар билан суҳбатда, — анжуман Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараётган давлатлар раҳбарлари, йирик компаниялар вакиллари билан учрашиш имконини беради. Мақсадимиз уларни мамлакатимизга кўпроқ жалб этиш, тенг манфаатли алоқалар ўрнатиш, иқтисодиётимизга катта сармоялар олиб келишдир. Давос учрашувлари нафақат иқтисодий анжуман йиғини, балки сиёсий кенгаш ҳамдир. Чунки бу ерда 30 дан ортиқ давлат раҳбарлари тўпланадилар. Биз у ерда иқтисодий масалалар билан бирга, энг долзарб сиёсий масалалар ҳақида ҳам фикрлашиб олмоқчимиз.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президентини Республика Олий Кенгаш раиси вазифасини бажарувчи Э. Ҳалилов, Бош вазир А.Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, Б.Ғуломов, Ташқи ишлар вазири А.Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА)

ЭНГ МАЗАЛИ НЕЪМАТ

Нон. Бу азиз сўзни эшитганингда дунёдаги энг мазали неъмат таъмини туясан. Дарҳақиқат, жамики неъматлар ичида нонга тенг келадигани йўқ. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз азалдан нонни қадрлаб, кўзга суртиб келганлар.

Кундан-кунга аҳолиси кўпайиб бораётган Тошкент азалдан нон шаҳри деб ном қозонган. Меҳмондўст инсонлари ва моҳир новвойлари билан ана шу эъзозга сазовор бўлган. Шаҳар аҳолисини нон билан таъминлаш йўлида 2-нон корхонаси жамоаси ҳам тинмай меҳнат қилмоқда. Шу кунларда эл дастурхонини тўкин қилишдек савобли ишга корхонада 237 киши бел боғлаган.Иш уч сменада ташкил этилгани учун суткасига 33 тонна нон ишлаб чиқаришга эришилмоқда.

Корхонага яқинда Германиянинг «Винклер» фирмасидан келтирилган замонавий нон тайёрлаш ускунаси ўрнатилди. Эндиликда бу ускуна ёрдамида халқ эҳтиёжига қараб 30 хилга яқин нон пиширилади. Тайёр маҳсулот эса шу ерда ишга туширилган «иссиқ нон» дўконида сотилади. Замонавий «тандир»нинг афзаллиги шундаки, унда нон тайёр булгунича деярли қўл кучидан фойдаланилмайди. Бундан ташқари, пиширилаётган нон сифати, вазни, санитария ҳолати автоматик равишда назорат қилинади. Янги тармоқ шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари дастурхонига «Махсус батон», «Оби нон», «Олтой шохчаси», «Патир нон», «Бородино нони», «Кепакли нон» ва бошқа бир неча турдаги нон ва нон маҳсулотлари етказиб беради.

Анвар ХУДОЙҚУЛОВ, ЎзА мухбири.

ДАВОС УЧРАШУВЛАРИ – ДАВР ТАҚОЗОСИ

— Анъанавий Давос учрашувлари Ғарб ва Шарқни боғловчи кўприкдир,— деган эди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Жаҳон иқтисодий анжумани ҳақида. Ўзбекистон мазкур анжуманга аъзо бўлганидан буён ўтган қисқа вақт давомида ана шу кўприкни мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Маълумки, Швейцариянинг Давос шаҳрида ҳар йили жаҳондаги кўплаб давлатлар раҳбарлари, энг йирик иқтисодчи, молиячи ва банк ходимлари, сиёсатшунос олимлар ҳамда тадбиркорлар йиғилади. Улар жаҳондаги турли иқтисодий муаммоларни ҳал этиш масалаларини муҳокама этадилар. Бу ерда дунё иқтисодиётини тараққиёт сари бошлаш, турли мамлакатларнинг бу борадаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш, ривожланаётган мамлакатларга йўл-йўриқлар кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилади. 1971 йилда йирик мутахассис ва машҳур жамоат арбоби Клаус Шваб Жаҳон иқтисодий анжуманини ташкил этар экан, иқтисодиётни инсоният фаровонлиги учун хизмат қилдириш орзуси билан куйиб-ёнган бўлса ажаб эмас. Унинг дунё миқёсида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш ғояси кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Шу боис Давос учрашувларида нафақат ишбилармон ва иқтисодчиларни, балки давлат бошлиқлари, дунёга машҳур сиёсатчиларни ҳам учратиш мумкин.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1992 йили Жаҳон иқтисодий анжуманида биринчи бор иштирок этиб, унинг қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади. Уларга мустақил Ўзбекистон ўзининг ўзига хос тараққиёт йўлини танлаганини, маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, иқтисодни мафкурадан халос этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш асосида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш учун ислоҳотлар бошлаб юборилганини айтган эди. «Ўзбекистонда янги жамиятни барпо этиш йўлида қилинаётган ҳамма ишларни халқаро ҳамжамият тушуниб етиши ва унга мадад беришига ишонишни истардик»,— деган эди мамлакатимиз раҳбари ўшанда.

Шундан буён орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни, янги демократик жамият яратиш йўлидаги интилишларни маъқулламоқда. Ҳатто, айрим расмий давраларда Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли ўрнак олишга арзигулик экани тан олинди.

Ўзбекистон Жаҳон иқтисодий анжуманига аъзо бўлгач, у билан кенг алоқа ўрната бошлади. 1993 йилнинг апрель ойида эса Тошкентда жаҳон иқтисодий анжумани мажлиси ўтказилди. Унда дунёдаги 30 дан ортиқ давлатнинг миллий компаниялари, фирмалари ва банклари раҳбарлари қатнашди. Улар мамлакатимизнинг молия, банк, телеалоқа, энергетика, енгил саноат ва тоғ-кон саноати фаолияти билан танишиб, ўзаро ҳамкорлик учун катта имкониятлар мавжудлигига ишонч ҳосил қилдилар.

«Мамлакатингиз иқтисодиётидаги ислоҳотлар билан яқиндан танишгач, Ўзбекистоннинг 10-15 йил ичида ривожланган мамлакатлар қаторига чиқишига амин бўлдим»— деган эди жаҳон иқтисодий анжумани президенти Клаус Шваб Тошкентдаги учрашув чоғида. Албатта, «иқтисодий тафаккур уйи»га асос солган машҳур мутахассиснинг бу сўзлари бежиз эмас.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлари, тадбиркорликни ривожлантириш ва мамлакатга хорижий сармояларни жалб этиш борасидаги сиёсати 1994 йилдаги Давос учрашуви қатнашчиларининг эътиборини тортди. Энг муҳими, бу анжуманда энди Ўзбекистон ҳақида тасаввур уйғотишга ҳожат қолмаган эди. Қисқа давр ичида жаҳон иқтисодий анжумани аъзолари мамлакатимизнинг иқтисодий йўли, аниқ режалари ва имкониятлари ҳақида тасаввурга эга бўлган эдилар. Айниқса, Президентнинг «Инқилобий Фармон» дея эътироф этилган 1994 йил 21 январдаги Фармонидан анжуман иштирокчилари ҳам хабар топгани дунёнинг йирик банкчилари ва фирма бошлиқларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини янада орттирди.

Шу ўринда хорижий тадбиркорларни Ўзбекистондаги барқарор тинчлик, сармояларнинг жаҳон талаблари даражасида ҳимоялангани жалб этаётганини таъкидлаш лозим. Мамлакатимиз раҳбарининг Давосдаги учрашувда «Биз ҳамма билан ҳалол ва тенг ҳамкорлик қилишга тайёрмиз» деган сўзлари ўз тасдиғини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 60 дан ортиқ давлатлар компаниялари билан тузилган мингдан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мингбулоқ, Кўкдумалоқ нефт конларини ўзлаштиришда, Асака, Дўстлик ва Бухорода улкан саноат иншоотларини барпо этишда дунёдаги йирик фирмалар билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Мамлакатимиз нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида талай ишларни амалга оширди. Бу эса Ўзбекистоннинг ҳамкорлик тарафдори бўлган тинчликпарвар давлат сифатида халқаро майдонда ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаганини кўрсатади.

Ўзбекистон раҳбари Швейцариянинг оппоқ қорлар билан қопланган Альп тоғлари этагидаги Давос шаҳрида ўтадиган дунё иқтисодчилари анжуманига тўртинчи марта ташриф буюрмоқда. Аввалги ташрифлар давомидаги суҳбатларда, қизғин мунозараларда жаҳон иқтисодий анжумани аъзолари Ўзбекистонни қайта кашф этдилар. Энди эса амалий ҳамкорликни янада кенг йўлга қўйиш чораларини излаш мавриди келди. Президентимизнинг Швейцарияга мазкур ташрифи шу нуқтаи назардан самарали бўлиши шубҳасиз.

Муҳаммад ШАРИФ, ЎзА шарҳловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлисини 1995 йил 23 февралда Тошкент шаҳрида чақиради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларидан кўрсатилган Олий мажлис депутатларининг таклифига кўра сессия кун тартибининг лойиҳасини ва бошқа ҳужжатларни тайёрловчи ишчи гуруҳи тузилди.



Бўка тумани автокорхонасининг автобуслари 35 йўналишда меҳнаткашларга транспорт хизмати кўрсатмоқда. Бу ерда ўз ишини пухта биладиган, касбини ардоқлайдиган ҳайдовчилар кўп. Раҳматжон Усмондиёров шундай илғорларнинг бири. У 15 йилдан бери туман меҳнаткашларининг узоғини яқин қилмоқда. Ушбу суратда: ҳайдовчи Раҳматжон Усмандиёрови (ўртада) шоҳ автобекати бошлиғи Исломжон Асрақулов ҳамда автотранспорт саройининг йўналиш бўйича раҳбари Шавкатжон Абдуллаев билан йўлга чиқиш олдидан суҳбатлашиб турганини кўриб турибсиз.

Ҳ. АВВАЛОВ олган сурат.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

КЕЙИНГИ икки йил ичида қишлоқ меҳнаткашлари манфаатини кўзда тутган қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Бу ҳужжатларнинг ҳар бири иқтисодий ислоҳотлар йўлида қатъий бораётган жамоа хўжаликларида ўз самарасини бера бошлади. Бу аввало ерга, техникага муносабатнинг ўзгариши, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ишлаб чиқариш жараёнига янгича иш услубларини жорий этиш, қишлоқнинг саноатлашуви ва қўшма корхоналар ташкил қилиш ҳисобига ишчи ўринларини кўпайтириш, одамлар маънавий дунёсида рўй бераётган ўзгаришларда ўз ифодасини топмоқда.

Паркент туманидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Мазкур саҳифада жамоа хўжалигида ислоҳот туфайли рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилинади.

АСОСИЙ МАҚСАД — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

ИСТИҚЛОЛ туфайли деҳқоннинг қўл-оёғи илгарилари юқоридан келадиган кўрсатмалар, буйруқлар занжиридан халос бўлди. Президентимиз ва республика ҳукуматининг қишлоқда ислоҳотларни жадаллаштириш билан боғлиқ фармонлари ҳамда қарорларидан кейин дала меҳнаткашлари ҳаётида катта ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Ҳудди кечагидек ёдимда. 1993 йилнинг декабри бошларида Президентимиз Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг сессиясида катта нутқ сўзлаб, вилоятдаги иқтисодий, ижтимоий аҳволни батафсил таҳлил этиб, бундан буён асосий эътиборни ерга муносабатни ўзгартиришга, топширилган вазифа учун кадрлар масъулиятини оширишга, биринчи навбатда саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини, маҳсулотни қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қишлоққа тезроқ олиб кириш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Ўшанда собиқ раисимиз, ҳозир туман қишлоқ хўжалик техникаси ташкилотида раҳбар бўлиб ишлаётган Аширмат Ҳожиматов сессияда баён қилинган вазифалар юзасидан хўжалик фаоллари йиғилишини ўтказдилар. Ана шу мажлисда энди далачилик, чорвачилик тармоқларида эскича услубда ишлаб бўлмаслиги, ҳар ким ўзи масъул бўлган соҳада ишни янгича ташкил қилиши зарурлиги батафсил тушунтирилди. Шу йиғилишда экин майдонларидан ҳосилдорликни оширишнинг ички имкониятлари, чорвадорлар учун қулайликлар яратиш, техника паркини тартибга келтириш, энг муҳими аҳолини бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам аниқ режалар белгилаб олинди. Кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришдаги асосий омил кадрлар эканлигини таъкидланди. Бу шунчаки айтилган фикр бўлмай, ҳар бир мутахассиснинг ўзига топширилган участкада ишни эплаб кетиш-кетмаслигини ўйлаб кўриши ва дилидаги гапни виждонан айтиш учун синов фурсати ҳам берилди. Бир қатор бригадалар эса ишчан, тадбиркор кадрлар билан мустаҳкамланди.

Биз бундан хулоса чиқардик, айни пайтда бир-биримизга кўмаклашиб ишлай бошладик. Режаларимиз мазмунини жойларда жамоа аъзоларига етказдик. Дала ишларида, чорвачиликда иш услублари ўзгарди. 14 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Фермада оилавий пудрат — звенолари фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни ерга муносабатни яхшилашдан бошладик. Экин майдонлари ҳар қарич ернинг қадрига етадиган, заминга ихлос қўйган кишиларга топширилди. Ишда талабчанлик ортди. Вақти-вақти билан ўша пайтда бош ҳосилот сифатида менинг, бош муҳандис Ўринбой Нишонов, бош ҳисобчи Шарофиддин Юсупов касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳасанбой Турғунбоев, ферма мудири Баҳодир Икромов, кичик корхоналар қурилиши мажмуи бошлиғи Ғайрат Мақсудов, зоотехник Абдувоҳид Алматов, бош иқтисодчи Самариддин Ғаниев ва қатор бригада бошлиқларининг ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан ҳисоботларимиз бошқарув йиғилишларида эшитиб борилди.

Ҳаракатларимиз зое кетмади. Биз Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари ва бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси қарори асосида хўжаликда кичик ва қайта ишлаш корхона янги иш жойлари очишга жадал киришдик. Ҳозирги пайтда ҳудудимизда 3 минг тонна маҳсулот сақлайдиган омборхона, иккита сув тегирмони, бир кунда 3 тонна сутни қайта ишлайдиган пишлоқ цехи, ёғ ишлаб чиқариш, пахта титиш, болалар кийимини тикиш цехлари, сомсахона, новвойхона ишлаб турибди. Шу йилнинг июнь ойларига бориб бир кеча-кундузда 20 тонна ун ишлаб чиқарадиган тегирмон фойдаланишга топширилади. Шунингдек, яқин орада томат, консерва цехлари иш бошлайди.

Ислоҳотлар хўжалигимизнинг барча тармоқларида ижобий самаралар бермоқда. Биз шартнома асосидаги ижара усулида ишлаш шаклини танлаган эдик. У ўзини оқламоқда. Ўтган йили экин экиладиган 1770 гектар умумий майдоннинг 170 гектарига Голландия картошкаси, 100 гектарига сабзавот, 130 гектар ерга маккажўхори, 600 гектар ерга буғдой, арпа, жавдар, 50 гектар ерга зиғир, 354 гектар майдонга беда ва бошқа экин турларини экдик. Картошка бўйича йиллик режа 133 фоиз, сабзавот — 135 фоиз бажарилди, давлатга 740 тонна ўрнига 800 тонна буғдой топширилди. Жами бўлиб 1200 тоннадан зиёд дон маҳсулотлари йиғиб олинди. Шаҳарликларга 360 тонна мева, 818 тонна узум етказиб берилди.

Далачиликда бундай ютуқларга эришишда иш жараёнига янгича услубни жорий этишда фаоллик кўрсатган бош ҳосилот Садриддин Орзиев, бўлим бошлиғи Ўктам Исломов, бригада бошлиқлари Тўхтахўжа Саидаъзамов, Қобил Ҳусанов, Абдуқодир Ҳасанов, Ҳасан Ғозиевларнинг ҳиссалари айниқса салмоқлидир.

Шуни айтиш керакки, республика Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермерлар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарори чорвадорларимизга янги имкониятлар очди. Уларга тўланадиган ойлик маошлар қайта кўриб чиқилди. Чорвадорларга зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг оилалари, уй-жойлари борасидаги ғамхўрликлар кучайтирилди. Хўжаликда махсус ем-хашак бригадаси ташкил этилди. Чорвачиликка ҳам асосий тармоқ сифатида қарай бошладик. Хўжаликда 1994 йилда ўтган йилдагига қараганда 156 тонна сут кўп топширилди. Сигирлардан тўлиқ бузоқ олинди. Бундай кўрсаткичларга биз моллар наслини яхшилаш, озуқа базасини кучайтириш, бузоқларни ёшлигидан парваришлашни тўғри йўлга қўйиш туфайли эришдик.

Албатта, ҳеч қайси жойда муваффақият бир кишининг меҳнати билан таъминланмайди. Хўжалигимизда ҳар бир мутахассис, ҳар бир бригада бошлиғи, ҳар бир деҳқон оиласи ишчан, янгиликка интилувчан десам, муболаға бўлмас. Виждонан ишлаш ҳар биримизнинг бурчимизга айланиб қолди. Баракамиз, рўзғоримиз бутлиги шундан, деб ўйлайман.

Ҳудудимизда истиқомат қилаётган барча жамоа хўжалиги аъзоларини ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаб бориш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Биз 1995 йил қиш мавсумида ҳар бир оилани қўллаб-қувватлаш учун икки қопдан ун, 50 килограммдан дон тарқатдик. Ўқитувчилар, тиббий ходимлар ҳам шундай имкониятлардан баҳраманд бўлдилар. Муаллимлар учун транспортда юришни бепул қилиб қўйдик. Деярли ҳар бир хонадон сомон, пичан билан таъминланди. Уруш ва меҳнат фахрийларига сомон, хашак бепул тарқатилди. Бундан ташқари, тўй қилувчиларга, бошига мусибат тушган оилаларга ун, гуруч, ёғ, гўшт бериб бориляпти.

1994 йил якуни бўйича барча экин турларидан, умуман қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларидан 6 миллион сўм атрофида даромад қилишимиз кутилмоқда. Бу эса бизга кичик корхоналарни кўпайтириш, янги ишчи жойлари очиш, турмушимизни яхшилаш, янги-янги қурилишлар қилиш имконини яратади. Биз бундан буён ҳам тадбиркорликка янада кенг йўл очиб борамиз. Исоҳотлар йўлида бошланган ишларни давом эттирамиз. Ўтган йил 16 декабрь куни Тошкентда республика Президенти ҳузурида Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашининг навбатдаги мажлисида «Келажагимиз учун, эл-юртимизнинг фаровонлиги учун, мустақил давлатимизнинг тараққиёти учун мана шу йўналишлардаги ишларимизни охирига етказиш муҳим аҳамият касб этади», дея таъкидлаган сўзлар биз учун дастурул амал бўлиб қолади.

Айни пайтда юртбошимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг шу йил 9 январь кунида бўлиб ўтган сессиясида қайд қилганларидек, ана шу улуғ мақсадларимизга етиш учун, фарзандларимизга обод, эркин, фаровон ҳаёт яратиб бериш учун қийинчиликларга мардона бардош бериб, сидқидилдан меҳнат қилаверамиз.

Тоҳир ХОЛТОЕВ,
жамоат хўжалиги раиси.

МАОШИМИЗ КЎПАЙДИ

АНЧАГИНА йиллардан бери сут соғувчиман. Бу касбни, очиғини айтсам, ўзим ихлос қўйиб танлаган эдим. Янглишмаган эканман. Бошқа соғувчилар каби ўз меҳнатимдан мамнунман. Бунинг боиси бор. Икки йилдирки, фермамизда биз соғувчиларни, умуман, молбоқарларни алоҳида қадрлашмоқда. Ўртача маошимиз 1300—1500 сўм атрофида. Бу фермамизда амалга оширилган ислоҳотлар шарофатидир. Бу ерда иш оилавий пудрат асосида ташкил этилгач, ўзаро рақобатдошлилик вужудга келди. Ҳар бир оила ўзига биркитилган сигирларга худди ўзиникидек муносабатда бўлиши натижасида сут етиштириш кўпайиб, маҳсулот сифати ортди. Шу тариқа даромадга барака кирди, ойлик маошлар ошди. Бундан ташқари рўзғоримизга керакли маҳсулотлар билан таъминланиб турамиз.

Раҳбарлар эътибори албатта бизни ҳам жон куйдириб ишлашга даъват этади. Ўзимиздан мисол. 30 бош сигирни парваришлайман. Ҳар биридан 1993 йилда саккиз литрдан сут соғиб олган бўлсам, ўтган йили бу кўрсаткич 12 литрга етди. Емиши яхшиланганлиги туфайли сигирлар сути кўпайди. Бир мен эмас, Муқаддас Тошева, Муҳаббат Шукурова, Саида Алиевалар ҳар бир соғин сигирдан сут соғиб олишни оширдилар. Моллар учун ем-хашак етарли. Қишлов қийинчиликсиз ўтмоқда.

Кўрсаткичларнинг ортиб боришида фермадаги моллар зотдорлигини яхшилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга деб ўйлайман. Раҳбарларимиз — зоотехник А. Алматов, ферма мудири Б. Икромовлар бу борада ишни яхши йўлга қўйишди. Қора-ола зотли сигирлардан насл олингач, соғлом ғунажинга мос бузоқлар ажратиб олиниб, махсус парвариш қилинмоқда. Шу йўл билан серсут сигирлар сони кўпайтирилаётир. Ҳозирги кунда 1200 бош қорамол боқилаётган бўлса, 425 боши соғин сигирлардир. Улардан 360 таси соғилмоқда. Фермада 4800 бош қўй ҳам яхши парвариш қилинаётир.

Яқинда фермамиз жамоасининг йиғилиши бўлди. Янги йил учун режалар белгилаб олинди. Зоотехник, раис бу йиғилишда иштирок этишди. Раисимиз кўпчиликка мурожаат қилиб: «Қани, айтинглар, ким нимага муҳтожлик сезаяпти, ёрдамга тайёрмиз», — деди. Залдан бирон киши «мен муҳтожман» деб ўрнидан турмади. Аслида ҳам шундай, рўзғорларимиз бут. Бошқарув бизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли таъминлаб турипти. Маошимиз ҳақида эса юқорида гапирдим. Меҳнатимиз ҳам ана шу ғамхўрликка яраша бўлаверади.

Омина БАДАЛОВА,
сут соғувчи.

ТУШЛИК ОВҚАТГА МАРҲАМАТ, БАҲОСИ 1 СЎМ, ТРАКТОРЧИЛАР УЧУН БЕПУЛ


ҲОЗИРГИ шароитда жамоа хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд ишчи кучларидан самаралироқ фойдаланишнинг бирдан-бир йўли деҳқоннинг моддий манфаатдорлигини кўзлаб иш юритишдир. Бизнинг хўжалигимизда бу масалага алоҳида эътибор берилган. У аҳолига моддий ва кулай шарт-шароитларни яратиш йўли билан ҳал этилмоқда. Бунинг учун хўжалигимиз марказида ташқи кўриниши ҳам, маданий хизмат кўрсатиш даражаси ҳам шаҳар умумий овқатланиш корхоналариникидан қолишмайдиган ошхона қурилди. Унда дала меҳнаткашлари учун тушлик овқат 1 сўм, механизаторлар учун бепул қилиб қўйилган. 1994 йилда белгиланган ана шу нарх бу йил ҳам ўзгартирилмади. Марказдан олис майдонларда ишлаётган кишилар учун транспорт хизматини йўлга қўйганмиз. Тушликда улар ҳам келиб ошхонада бемалол овқатланиб кетаверадилар. Ҳозирги кунда кўпгина жойларда битта тандир сомсанинг нархи 3 — 3,5 сўм бўлгани ҳолда, хўжалигимиз аъзоларига бир сўмдан ёпиб бериляпти. Тандир нон ҳам бозор нархидан икки баробар арзон.

Хўш, бундай имкониятларга қандай қилиб эришмоқдамиз? Аввало унумли меҳнат, ҳосилдорликни ошириш орқали ва иккинчи маҳсулот таннархини арзонлаштириш эвазига бундай имкониятлар қўлга киритилмоқда. Масалан, 1994 йилда бир килограмм пиёзнинг таннархи 57 тийин, картошка 91 тийин, ғалла 28 тийин, мева 83 тийиндан тушди. Бошқа маҳсулотлар ҳам арзон етиштирилди. Давлат харид нархи бу кўрсаткичлардан анча баландлиги ҳаммамизга маълум. Бунинг устига барча шароитлар яратилганидан мамнун бўлган деҳқон ерга, техникага оқилона муносабатда бўлди ва деярли экин турларининг барчасидан режадагидан анча ошириб ҳосил олдик. Картошка, сабзи, пиёз гуруч, ёғ, гўшт, сут, мева, узум ўзимизда ортиғи билан етиштирилгандан кейин далада ишлаганлар учун овқатни бир сўм, тракторчилар учун бепул қилиб қўйиш имкони ўз-ўзидан яратилди.

Хўжаликда ойлик маошлар вақтида берилаётгани, ҳар бир хонадон аъзоларининг ҳеч нарсага зорикмаётганликлари, меҳнат шароитларининг қулайлиги уларнинг онгида ўзгаришлар ясамоқда.

Бу эса уларда меҳнат интизомига қатъий риоя этиш, кўпроқ унумлироқ ишлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш туйғуларини шакллантирмоқда.

Ҳ. ТУРҒУНБОЕВ,
касаба уюшма қўмитаси раиси.



МАЪНАВИЯТ УСТУН БЎЛГАЙ...

КИШИ фақат меҳнат учун яратилган эмас. У маданий дам олиши, маънавий оламини бойитиши ҳам керак. Бизда бунинг учун барча имкониятлар бор. Бу йил 250 ўринли клубимизни капитал таъмирлашдан чиқардик. Унинг деворларига улуғ алломаларимиз, мутафаккир олимларимизнинг суратлари туширилди, моҳир қўли гул рассом усталар турли безаклар билан бу маданий масканга чирой бахш этдилар.

Республикамиз мустақилликка эришган йили қад кўтарган бу даргоҳда маданий-маънавий тадбирлар мунтазам ўтиб турипти. Худудимиздаги зиёлилар ота-оналар олдида, сиёсий, ижтимоий ва тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Ўтган йили Конституция куни айниқса сермазмун нишонланди. Байрам олдидан бош Қомусимиз тўғрисида худудимиздаги мактаб ўқитувчилари маърузалар қилдилар, кейин Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов бошлиқ санъаткорлар ўз куй ва қўшиқлари билан йиғилганларни хушуд этишди. Келгусида клуб қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари очиш ҳам режалаштирилган. Йиллик тадбирларимиздан ота-оналар университетини яна йўлга қўйиш ҳам жой олган. Унда мустақиллик мафкурасига оид мавзуларда суҳбатлар уюштирилади. Тошкент олийгоҳларидан олимларни таклиф этиб, бу ишларни амалга оширамиз.

А. ҚУРБОНАЛИЕВ,
жамоа хўжалигининг маданий ишлар бўйича етакчи мутахассиси.

БУ ЙИЛГИ РЕЖАЛАРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Биз ана шу савол билан жамоа хўжалигидаги кичик корхоналар раҳбарларига мурожаат қилдик.

Ҳ. МАҲКАМОВ,
пишлоқ цехи бошлиғи:

— ШУ КУНГАЧА ишлаётган қурилмаларимиз билан бир кунда 3 тонна сутни қайта ишлаб, 150—160 килограмм пишлоқ тайёрланмоқда. Хўжаликда эса ўтган йилдан бошлаб сут соғиб олиш кўпайди. Шу муносабат билан бу йил цехни кенгайтиришни режалаштирганмиз.

Бу ҳозир ўз касбларини пухта эгаллаган Б. Холматов, Д. Мирзахўжаева, Т. Аширов, Н. Воҳидов каби ходимлар ва хизматчилар сафига янги ишчи кучларини қўшиш имконини ҳам беради.

Ш. ЮНУСОВ,
ёғ цехи бошлиғи:

— Бу йилги режам янги технология асосида маҳсулот чиқариш. Ҳозирги дастгоҳни ўзим ясаб ўрнатганман. Зиғирдан ёғ ишлаб чиқаряпмиз. Ҳозир 32 бригадани таъминлайдиган даражада маҳсулот тайёрланмоқда.

Бу йил янги ускуна ўрнатиш ниятимиз бор. Унга эришсак хўжаликдаги барча аҳолини ёғ билан таъминлаш мумкин бўлади.

Я. МИРОЛИМОВ,
маҳсулотларни сақлаш цехи бошлиғи:

— Цехимизда 12 та ишчи ишлайди. Улар мева, уруғлик картошка ва бошқа маҳсулотларни қишга сақлашга масъулдирлар. Аслида цехимиз ҳозир барпо этилаётган маҳсулот сақлаш ва қайта ишлаш мажмуига киради. Ўтган йили 3 минг тонналик омборхона қурилди, тез кунда томат ва консерва цехларини ишга туширамиз.

Бу йил ана шу маҳсулотлар харидорларга етиб боради.

М. МИРАКБАРОВ,
бир кеча-кундузда 20 тонна ун тайёрлайдиган тегирмон қурилиши бошлиғи:

— Биз ускуналарни деярли ўрнатиб бўлдик. Жиҳозлаш ниҳоясига етгач, бино деворларини қуриш, пардозлаш ишлари бошланади.

Тегирмон ёз ойларида иш бошлайди.







СУРАТЛАРДА: «Коммуна» жамоа хўжалиги ҳаётидан лавҳалар.

А. Турраев олган суратлар.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири Саидвали ҲАСАНОВ тайёрлади.

ОИТС МУАММОЛАРИ — ЖУРНАЛИСТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Тошкент шаҳар Саломатлик марказида республика журналистлари учун ОИТС (орттирилган иммунитет тақчиллиги синдроми) касаллигининг олдини олиш, уни даволаш масалаларига бағишланган семинар бўлди. Семинарни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкил этди.

Икки кунга мўлжалланган семинар дастури жуда тиғиз бўлиб, унда оммавий ахборот воситалари вакилларининг ОИТСдан хабардорлигини аниқлашга мўлжалланган тестлар, баҳслар, видеофильмларни намойиш қилиш кўзда тутилган эди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мутахассислари Р. Адамян ва М. Гомбау журналистлар ҳузурида лекция ўқишди.

Учрашув пировардида семинарда иштирок этган журналистлар барча касбдошларига мурожаатнома қабул қилиб, оммавий ахборот воситаларида бу хавфли касалликнинг олдини олишга доир ахборотлар бўйича фаол ишлашга чақирдилар.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Т. Искандаровнинг хабар қилишича, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорлик дастурида ОИТС масалалари бўйича яна 11 та семинар ўтказиш кўзда тутилган.

(ЎзА).

ОЛАМДА НИМА ГАП?

УРУШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Сиёсатчи-ҳарбийларнинг табиати қизиқ. Ақл ўрнига жаҳл билан бир иш қилиб қўйишади-да, сўнг унинг оқибати нималарга олиб келганлигини ўйлаб афсусланишади. Сиёсатчиларнинг калта ўйлаб Чеченистонда бошлаган уруши ҳам бундан истисно эмас. Мана энди уруш касофатлари ҳисоб-китоб қилинмоқда. Вайронагарчиликларни тиклаш қанчага тушиши, қанча одамнинг ёстиғи қуриганлиги, бирма-бир ошкор этилмоқда.

Моздок аэродромидаги ҳарбий шифохона кичкинагина даволаш маскани эди. Грознийни ишғол қилиш бўйича уруш бошлангандан буён ҳозиргача бу шифохона ва унинг Толстой-Юртдаги бўлимига 300 яраднр келди. 525 киши амбулаторияга мурожаат қилди. Бундан ташқари Шимолий Осетия, Ингушетия, Қабардин-Болқордаги ва Ставрополь ўлкасидаги марказий ва туман шифохоналарига қарийб 700 яраднрни олиб келишди. Чеченистондаги урушда қатнашган 1000 га яқин яраднр Россия Соғлиқни сақлаш тиббиёт саноати тизимидаги шифо масканларига мурожаат қилди. Мудофаа вазирлигининг ҳарбий шифохоналарини ҳисобламаганда уруш бўлаётган ҳозирги вақтда 672 кишига тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Уруш бўлиб ўтган жойларда юқумли касалликлар тарқалиши, шунингдек вабо чиқиш ҳавфи ҳам йўқ эмас.

УМРИ ТУГАБ БОРАЁТГАН ХЎЖАЛИКЛАР

Собиқ социалистик мамлакатлар қишлоқларида қандай ўзгаришлар рўй бермоқда? Уларда колхоз ва совхозлар ҳали ҳам борми? Кўпчиликни қизиқтираётган бу саволга «Аргументи и факти» ҳафталигидан анчайин қониқарли жавоб олиш мумкин.

Социалистик тизим барҳам топа бошлаши биланоқ ҳар қайси мамлакатда ўзгаришлар рўй берди, -деб ёзади газета. Лекин бу ўзгаришлар ҳамма жойда ўзига хос бўлмоқда. Масалан Албанияда қишлоқ хўжалик кооперативлари ташкил топди. Лекин совхозлар ҳам қолди. Болгарияда 1991 йилда «Ер ҳақида қонун» чиққанидан сўнг ерни деҳқонларга мулк қилиб қайтариб бера бошладилар. Бу жараён ҳали тугагани йўқ. Шунинг учун 1991 йилгача мавжуд бўлган меҳнат кооператив ер хўжаликлари ҳали ҳам бор. Тўғри, улар кооперацияннг бошқа шаклларига айлантирилмоқда.

Руминияда аҳолининг қишлоққа қараб кўчаётганлиги сезиларли холдир. Одамлар ер олиб, якка хўжаликлар ташкил қилмоқдалар ёки уюшмаларга бирлашмоқдалар, аксарият ҳолларда қариндошуруғчилик асосида бирлашмоқдалар.

Польшада асосий маҳсулотларни жамоа хўжаликлари ишлаб чиқармасди. У ерда хусусий мулкчилик азалдан мавжуд эди. Мамлакатда бор бўлган жамоа хўжаликлари ҳам янгича шароитга мослашмоқда ва хусусий мулкдорлар билан баравар яшаб келмоқда.

Въетнамда кўп укладлилик аста-секин жорий этилмоқда. Деҳқонлар ерни 50 йилга ижарага олишлари мумкин. Уларга уч акрадан ер берилади. Бунда ҳосилнинг учдан бир қисми давлатга топширилади.

Хитойда 80-йиллардан бошлаб деҳқонлар ерни мулк қилиб олишга руҳсат берилган эди. Аҳолининг кўплиги, бўш ер йўқлиги сабабли уларга 1/15 гектардан ер берилади. Лекин тупроқ унумдорлиги ва иқлим яхшилиги учун бир йилда 3 мартагача ҳосил олиш мумкин.

Собиқ совет республикалари — Латвия, Литва ва Эстонияда ерни ўз эгаларига қайтариб бериб бўлинди ҳисоб. Колхозлар қолмади. Аммо Украинада колхозлар, совхозлар ҳам бор. Бироқ улар ўз моҳиятини аста ўзгартириб, кооператив хўжаликларга айланмоқдалар. Бу ерда якка хўжаликлар ҳам бор.

Мажбурий жамоа меҳнати ҳозир фақат Корея Халқ Демократик Республикаси ва Кубадагина қолди.



Германиянинг машҳур «Опель» фирмаси ўз муҳри қўйилган енгил машиналарни тобора такомиллаштириш устида изланиш олиб бормоқда. Ана шу фирманинг сўнгги чиқараётган нусхаларидан бири «Тигра» енгил автомашинасига жаҳон бозорида талаб катта бўлмоқда. Суратда кўриб турган машина сизга манзур бўлса, ажаб эмас...

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Бразилия ҳукумати 2004 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон олимпиада ўйинларини Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиш истагини билдирди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. Аммо, машҳур футболчи Пеле Олимпиада ўйинларининг мезбони бўлиш учун Бразилиянинг имконияти етарли даражада эмас, деб айтган. Чунки, Севилья, Брюссель, Сан-Хуан (Пуэрто-Рико) ва Кейптаун каби шаҳарлар ҳам ўз номзодини кўрсатган. Бразилияда эса мазкур шаҳарлардагидек замонавий спорт иншоотлари йўқ, деди у.

***

Япониянинг Коба шаҳрида ҳамон ер силкиниши ҳоллари юз бериб турибди. 23 январь куни бу ерда 4,5 балл куч билан яна ер қимирлади. Қурбонлар ҳақида хабар берилмади. Полиция бош бошқармаси тарқатган хабарга қараганда, 17 январдаги ер силкинишидан кейин ҳозиргача 4984 кишининг жасади топилган. 166 киши бедарак йўқолган. 25.964 кишига эса тиббий ёрдам кўрсатилган.

***

АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюросининг хабарига қараганда, мамлакат аҳолиси 261 миллион кишига етди. 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 276, 2050 йилда эса 392 миллион кишига етади. Шу давр ичида АҚШ аҳолисининг ўртача умри 76,3 ёшдан 82,6 ёшгача ўсар экан.

***

Қозон шаҳрида Татаристон мусулмонларининг навбатдан ташқари қурултойи бошланди. Қурултойда диний бошқарма фаолиятини қайта ташкил этиш масаласи кўриб чиқилади. Шунингдек, муфти, унинг ўринбосари ва қози қайта сайланади. Қурултойда араб ва бошқа мусулмон давлатларининг Россиядаги элчихоналари вакиллари ҳам иштирок этади.

(ЎзА).

ТВ ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 30

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кўпкари». Видеолавҳа.
18.20 «Мушоҳада учун мавзу».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Нигоҳ».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Маърифатнома».
21.30 «Иймон кетмасин...». Носир Алимаҳсумов куйлайди.
22.00 «Фармонбиби араслади». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
23.55 — 00.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Полопон».
18.55 «Сизга раҳмат».
19.40 «Бу бўстон аро...».
20.15 «Само остидаги юлдузлар».
20.55 Бевосита мулоқот.
21.45 Кикбоксинг бўйича Республика турнири.
22.45 — 23.35 «Жаҳон мусиқаси дурдоналари». Л. Бетховен. «Учинчи симфония».

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ёшлик оқшоми».
20.40 «Тадбиркорлик мактаби».

*

«ОМАД» таништиради:
21.05 «Совға».
21.35 «Сирли олам».
21.45 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
22.15 Эълонлар.
22.20 Видео — «О».
00.05 Эълонлар.
00.10 «Курьер».
00.30 «...яна об-ҳаво ҳақида».
00.40 — 00.50 «Постфактум».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Ҳамманинг тилида».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 Хитой телевидениесининг кўрсатувлари.
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
20.00 «Эркак ва аёл».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 А. И. Солженицин билан учрашув.
22.05 «Эслаб, излаб».
22.45 — 23.00 «Спорт уик-энди».

СЕШАНБА, 31

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Аловуддиннинг сеҳрли шамчироғи». Бадиий фильм.
10.20 «Ўрмон манзаралари». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 «Қадимий ёдгорликлар — бебаҳо бойлигимиз». Кинодастур.
13.00 Немис тили.
13.20 «Кафолат».
13.50 «Саломат бўлинг!».
14.20 — 14.50 «Ислоҳот ва масъулият».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Шеърий дақиқалар». Маъруф Жалил.
18.20 «Истиқлол ва мафкура».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Хотира». Хислат таваллудининг 115 йиллигига.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ватанни севмоқ иймондандир...».
21.50 Мумтоз мусиқа кечаси.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадур Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-қисм (Миср Араб Республикаси).
23.50 — 00.15 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
19.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.00 Видеогид.
20.20 «Теле-ателе-шоу».
20.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 — 23.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Аскар мактуби».
20.35 «Нон таъми».

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.20 «Ўзбекистон — ҳамкорлик йўлида».
22.00 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.00 «Жаҳон ва биз».
23.30— 24.00 «Умид» (уйғур тилида).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 «Рус олами».
18.30 «СБ» жумбоғи.
18.45 «Ким аслида ким?» XX аср. Вильгелм II.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.25 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Илк манбадан».
21.50 — 23.40 «Жиддий ўйин». Бадиий фильм.

ЧОРШАНБА, 1

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Вертикаль». Бадиий фильм.
10.15 «Шарқ зарчашмаси». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
11.45 Алифбо сабоқлари.
12.15 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
12.55 «Қиш сурури». Концерт.
13.25 — 13.55 «Фан уфқлари».

***

17.55 кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.35 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Барака мезони».
19.40 «Санъат олами».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ким топди?» Телевизион кўрик-танлов.
22.10 Мусиқий дақиқалар.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-қисм.
23.25 — 23.50 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Бумеранг».
19.30 «Жонли тил».
20.30 «Мусиқий меҳмонхона».
21.30 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.15 «Ҳилол» студияси. «Авто плюс».
22.35 «Дарвоқе».
22.55 — 23.40 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 — 23.45 ««ОМАД» таништиради: «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси: «Мулоқот — иқтисодий дайджест», «Ўзбекистон ўзлари ҳақида».
18.45 «Ким аслида ким?» XX аср. Оятулло Хумайни.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 «Кумушранг шар». В. Вульфнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Монолог».
21.50 — 22.50 Ғалабанинг 50 йиллигига. «Урушдан олисда» (Красноярск).

ПАЙШАНБА, 2

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Ажойиб хаёлпараст». Бадиий фильм.
10.20 «Менга етиб ол, шамол». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
11.30 Янги алифбони ўрганамиз.
12.00 «Ҳуқуқингизни биласизми?».
12.15 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
12.50 — 14.50 «Ёшлик» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Уч қурбақа». Мультфильм.
18.20 Ўқувчи ёшларнинг сиртқи телевизион олимпиадаси. 1-кўрсатув.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 М. Кориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк Турон». «Ўзбектелефильм». Премьера.
21.30 Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. «Яқинлашаётган Америка». Сафар таассуротлари.
22.05 «Бир жуфт қўшиқ».
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-қисм.
23.15 — 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Жозиба».
18.55 «Ишингиз бароридан келсин!».
19.10 «Бир шингил ҳангома».
19.20 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.40 «Теле-ателье-шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.00 — 23.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.05 «Дидар».
21.45 — 22.45 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.30 «Миниатюра».
18.45 «Ким аслида ким?» XX аср. Х. Капабланка.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Ихтиёрий программа. Германиядан кўрсатилади.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Москва, Кремль».
22.00 «Сизга аталган учрашувлар». Олег Меньшиков.
22.40 — 24.00 «Олис, олисларда...». Телевизион бадиий фильм.

ЖУМА, 3

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Тоғларда қолди менинг қалбим». Бадиий фильм.
10.20 Немис тили.
10.40 «Қизиқчи». Телефильм.
11.15 «Болалар меҳмонхонаси».
11.55 Чолғу куйлардан концерт.
12.25 «Вазият».
13.10 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
13.45 «Бола бошидан...».
14.25 — 14.55 «Фахрийлар — фахримиз».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ғойиб бўлди осмонда қуш». Мультфильм.
18.20 Ўқувчи ёшларнинг сиртқи телевизион олимпиадаси. 2-кўрсатув.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Тадбиркорликка кенг йўл».
19.40 «Юлдузлар шўъласи». Спорт кўрсатуви.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мозийга бир назар».
21.30 Дуторчилар ансамбли ижросида халқ ашулалари.
22.00 «Одобнома».
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-қисм.
23.15—23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Йигитча». Фильм-концерт.
19.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 «Бу бўстон аро...».
20.25 «Мўъжизалар оламида».
21.05—24.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Майор Вихрь». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:
20.45 «Камалак».
20.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Даракчи».
21.45 «Салом, ёшлар!».
22.15 Эълонлар.
22.20 — 24.00 Видео-«О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30—9.00 «Тонг».

***

18.00 «Инсон ва қонун».
18.30 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Эркаклар. Ихтиёрий программа. Германиядан кўрсатилади.
19.25 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
22.00—23.10 «Детективлар клуби»да. «Гуруҳ». Телесериал (Франция). 4-серия.

ШАНБА, 4

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Аршин мол-олон». Бадиий фильм.
10.20 «Шоҳрух» клуби.
10.50 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув.
11.35 «Ёшлар билан юзма-юз».
12.05 «Ҳужжатли экран». «Достон» ижодий уюшмасининг фаолияти ҳақида.
12.45 «Цирк! Цирк! Цирк!»
13.45—14.30 «Чорраҳа».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 «Умид учқунлари».
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Оила».
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Турфа ҳангомалар».
21.45 «Бандихон неъматлари». «Ўзбектелефильм». Премьера.
22.00 «Волидангни рози қил». Абдулҳай Каримов куйлайди.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-қисм.
23.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
10.30 Видеогид.
10.50 «Теле-ателье-шоу».
11.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 «Кинонигоҳ».
13.15 «Омад» тақвими.
13.20 «Жозиба».
13.40 «Ишингиз бароридан келсин!».
13.55 «Бир шингил ҳангома».
14.05 «Муҳаббатга ошно қалблар».
14.25 «Теле-ателье-шоу».
14.35 Видео янгиликлари.
15.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
15.45—17.00 «Кинонигоҳ».

***

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Коллекция».
19.30 «Пульс». Хабарлар.
19.50 Янги йил танишуви.
20.40 «Осойишта бўлсин хонадонингиз!».
21.40 «Акс-садо».
22.10—23.00 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Жонли сайёра».
10.20—12.35 «Театр учрашувлари». Мухтор Авезов номидаги Қозоқ Давлат академик драма театри — меҳмонимиз.

***

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.55 «Рангинкамон» (тожик тилида).
20.40 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
21.05 «Чинсэн». Корейс тилида кўрсатув.
21.55 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.10—22.30 «Бу ажиб дунё».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Театр+ТВ». Лия Ахеджакова ва унинг қаҳрамонлари.
18.55 Жан Марэ ва Луи де Фюнес «Фантомас» бадиий фильмида (Франция, 1964 й.).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 «Бахтли тасодиф».
22.35 «Оба-На».
23.15—23.50 «Бироз севги ҳақида». Филипп Киркоров куйлайди.

ЯКШАНБА, 5

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Юртимнинг азиз сиймолари». Кинодастур.
9.30 «Футбол майдонларида».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 «Қўшиғим, жон қўшиғим». Чуст тумани Эркаклар. Ихтиёрий программа. Германиядан кўрсатилади.
11.20 Ўлмас Умарбеков. «Номус». Теленовелла.
11.45 «Эзгуликка интилиб».
12.15 «Тошкент — нон шаҳри». Бадиий фильм.
13.50—14.25 «Халқ ижодиёти». Оилавий ансамблар телефестивали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб».
18.40 «Мусаввир». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ойнаи жаҳонда...».
19.55 «Гул кўп, чаман кўп».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Ўзбекистон — гуллаган боғ». Телефильм.
21.35 «Якшанба оқшомида».
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-қисм.
23.10—23.40 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
17.00 Болалар учун. «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий дастур.
17.50 Эълонлар.
18.00 Видео — «О».
19.40 Эълонлар.
19.50 «Курьер».
20.20 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.35 «Постфактум».
20.45 «Компьютер — Осиё».
21.15 «Қирол репортажи».
22.05 «Даракчи».
22.15 Эълонлар.
22.25—24.00 Видео — «О».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Ташрифлар ва таклифлар».
10.30 «Мусиқий саёҳат» (Грузия).
11.05 Болалар учун фильм. «Етти умид камалаги».
12.10—12.20 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

***

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.40 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
20.00 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.00 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.15 «Интердиалог».
21.50 «Мюзик-холл».
22.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
22.25—22.45 «Бу ажиб дунё».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.15 Мультфильмлар.
19.15 «Россиянинг кичик шаҳарлари». Надим шаҳри.
19.45 «Наполеон I». В. Маяковский номидаги Москва академик театрининг фильм-спектакли.
22.00—22.50 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

"Геология конларни қидириш " тармоғини ривожлантириш Ўзбекистон тижорат банки "ЎЗГЕОЛБАНК"нинг 1995 йил 1-январигача бўлган БАЛАНСИ

Моддаларнинг номи	Сальдо	
	Актив	Пассив
Устав фонди	-	2024
Заҳира фонди	-	581
Махсус ва бошқа фондлар	-	1523
Марказий банкдаги кредит маблағларни тартибга солиш фонди	3748	-
Нахт четел валютаси	9	-
Пулий маблаҳ	521	-
Клиентлар хисоб раками	-	22521
Кредит берши	6389	-
мудатан ортиқ судо	22	-
Маблах хисобда	-	525
Бошқа дебит ва кредит	425	559
Марказий банкдаги корреспондентлик ҳисоби	8.704	-
Мижозларнинг олди-берди ҳисоблари ва депозитлар	-	9.794
Банк берган ҳарзлар ва депозитлар	3513	-
Бошқа пассивлар	28	10
Бошқа мақсадлардаги маблағлар	2814	-
Йиллик фойда	-	2814
Баланс:	41851	41851

1994 йилда банк жаъми 4051 минг сўм даромад олиб, 1237 минг сўм ҳаражат килди.
Банкнинг соф фойдаси 2814 минг сўмни ташкил қилди.

Балансга оид маълумотлар ''Узбанкаудит'' акционерлик жамиятининг 1995 йил 5 январдаги 01-001/19 сонли хат билан тасдиқланган.

''Ўзгеолбанк'' Сизга қуйидаги хизматларни кўрсатади:
- мижозларга ҳисоб-касса хизмати;
Сизга
- зарур маслахатлар беришга;
- тўловнинг оптимал турини танлашга;
- операциялар боришини барча бўғинларда тўхтовсиз назорат қилишга;
- Сиз учун энг маъқул иш режимлини ташкил қилишга
Кафолат берамиз.

Аъло даражадаги банк хизмати!

Бизнинг адрес: Тошкент ш., Т.Шевченко кўчаси, 11 уй.

Шайхонтохур туманига қарашли 000.ИВО «Новатор» ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар бир ой ичида қабул қилинади.

Телефон: 50-36-25, 56-40-13.

Тошкент вилояти «Мевасабзавотузумсаноати» бирлашмаси тафтиш комиссия раҳбари Шанбасов Олтмишга онаси

ЕРМАТОВА Раҳиманинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Инсон одоби билан гўзал

Мавзуни ёзувчи, журналист Мақсуд ҚОРИЕВ олиб боради.

ҚЎҲНА ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

БУЮК ТЕМУРНИНГ ВАСИЯТИ

ЖАҲОНГИР буюк Амир Темур соҳибқирон ўлими олдидан авлодларига шундай васият қилган экан:

«...Худонинг марҳамати билан мукаммал тартиб-қоидалар ўрнатдимким, энди Эрон ва Туронда ҳеч ким ўз яқинига ёмонлик қилмайдур, бадавлатлар, фақирларни эзмайдилар. Мен шундан таскин топаманким, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим... Халқлар осойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб турингланр, қатъиятли ва мардонавор бўлинглар. Улкан давлатни мендай узоқ йиллар давомида бошқариш учун қўлларингдаги шамширни шараф ва номус билан маҳкам тутинглар. Мен Эрон ва Турон ерларини душманлардан ва ғаламуслардан покладим, бу ерларни адолатдан ва марҳаматдан гуллатдим. Агар, сизлар менинг васиятларимга амал қилсаларингиз ва барча ишларингизда адолатга, шафқатга кўра иш тутсаларингиз, тожу-тахт қўлларингизда узоқ вақт сақланади. Агарда ўзаро низоларга йўл қўйсаларингиз, душманлар тўпалон ва тартибсизликларни бошлайдиларки, уларни жиловлашнинг иложи қолмайди. Сизлар бир жон, бир тан бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнгги васиятларимни бажаришларингизга монелик қила олмайди».



Бу доно васиятлар асрлар оша бизнинг давримизга қадар етиб келди. Ундан худди ҳозирги даврнинг нафаси сезилиб тургандай. Улуғ бобокалонимиз бизни адолатга, содиқликка, бирликка чорламоқда. Ўзаро низо, адоватлардан ҳоли бўлинглар деб, инсоф, шафқат ва халолликка ундамоқда.

Буюк Амир Темурнинг руҳи ҳамиша бизга мададкор бўлсин.

МУНАЖЖИМЛАР АЙТУРЛАР

СОҲИБҚИРОНЛАРНИНГ ТУҒИЛИШИ

ЖАҲОНГАШТА улуғ сиймолар юз йилларда бир марта дунёга келади деган маълумотлар мавжуд. Бахт юлдузи билан туғилган, пешонаси ярқираган соҳибқиронлар тарихда бармоқ билан санақлидир. Мунажжимларнинг фикрича, икки сайёра — Зуҳал билан Муштарийнинг бир-бирига яқинлашуви ҳолатида Аллоҳ таоло дунёни яратган экан. Икки юлдузнинг бундай ҳолати ҳар саккиз юз йилда бир марта такрорланар экан.

Шундай жаҳонгашта, бахт юлдузи остида туғилганлардан бири оламгир подшоҳ Искандар Зулқарнайдир.

Пағамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ана шу яқинлашув даврида дунёга келганлар. Пайғамбаримиздан саккиз юз йил кейин буюк бобомиз Амир Темур соҳибқирон 1335 йил шаъбоннинг йигирма бешинчи куни туғилганлар. Бу ҳам юқорида баён этганимиздек, икки сайёранинг яқинлашув ҳолатига тўғри келади.

Демак дунёда уч буюк зотнинг пешонасига соҳибқиронлик битилган экан.

Яхшилик қўлингдан келмаса, ёмонлик ҳам қилма!

Донолар бисотидан

МАШҲУР ҲАКИМ ЖОЛИНУС ДЕЙДИ:

Ўз айби, камчилигини англамаган одамни ислоҳ қилишга уриниш фойдасиздир. Ўз айбингдан огоҳ бўл, камчилигингни тузат, аблаҳлар ва хушомадгўйларнинг риёкорона мақтанишларига алданма, ғурурланиб, гердайиб кетма!

БУҚРОТДАН сўрабдилар:

— Қайси нарса ҳеч вақт вайрон бўлмайди?

Буқрот ҳаким дебди:

— Ҳикмат, барча нарсадан юқори тургай, адолат биноси эса ҳеч вақт вайрон бўлмагай.

Тарихнавис Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ дебди:

Агар сўздан ҳам олийроқ гавҳар бўлганда эди, у сўз ўрнига тушган бўлур эрди.

Диний мавзуларда

ҚУРЪОН НЕЧА СУРАДАН ИБОРАТ?

(Ҳар бир мусулмон фарзанди билиб қўйиши керак)

Сура — Қуръоннинг бир бўлағи, у уч ёки ундан ортиқ оятни ўз ичига олади. Қуръонда 114 сура бўлиб, ҳар бирининг ўз атамаси бор. Баъзи сураларнинг аталиши унинг дастлабки сўзларидан олинган. Айримлариники эса мазкур сурада зикр этилган нарсаларнинг номига қўйилган.

Қуръон суралари икки қисмга бўлинади:

1. Пайғамбаримизнинг ҳижрат қилишидан муқаддам тушган суралар яъни Маккада тушган суралар.

2. Ҳижратдан сўнг тушган суралар яъни Мадинада нозил этилган суралар.

КАЛИМА КЕЛТИРИШ

Бу — ҳар бир мусулмоннинг Аллоҳнинг яккаю ягоналигини, Муҳаммад пайғамбарнинг Худонинг ердаги элчиси эканлигини тан олишдир.

Уни «Эътироф калимаси» деб юритишади. Яъни: «Ла илаҳа иллоллоҳу Муҳаммадур Расулиллоҳ».

Асл маъноси: «Аллоҳдан ўзга бирор маъбуда барҳақ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир».

МУОМИЛА МАДАНИЯТИ ХУСУСИДА

Жаннат, дўзаҳ нима?

Уй хўжаси ишдан қайтиб келди. Турмуш йўлдоши эшикни очди-да, эрига:

— Вой-бў, шу пайтгача қаерда тентираб юрган эдингиз?— деди тўсатдан.

Бошқа бир оилада эса, эри келиши билан хотини эшикни очиб:

— Ассалому алайкум, дадаси, эндигина ошни дамлаган эдим, вақтида келдингиз, қани ечиниб, чиқа қолинг,— деди.

Икки оилада икки хил муомила, турли-туман муносабат. Биринчи оиладаги кутиб олишдан эркак кишининг дили хуфтон бўлди, иккинчисида эса уй хўжасининг кўнгли равшан тортиб, иштаҳа билан дастурхонга ўтирди.

Бир донишмандан сўрабдилар: жаннат, дўзах дейдилар, бу нима дегани ўзи, деб.

Шунда донишманд дебди:

— Агар кечқурун уйингга келганингда хотининг тутун уфириб турса, ана шу дўзоҳнинг ўзгинаси, агар сени илтифот ва ҳурмат билан кутиб олса, шуни жаннат деябер.

ҲАЁТИЙ ЛАВҲАЛАР

ЎЗИМ ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛАМАН!

ҲАСАН телефонни қўйди-ю, ўйга толди, «Ўзига ўзи: «Қаёқданам амалдор бўлиб кетди, маза қилиб юрардик. Энди бўлса, иши кўп, қачон кўрсанг банд. Мана дам олиш куни ҳам вақти йўқ», — деди.

Кейин ўзига таскин берди: нима қилса ҳам ўзимиздан чиқди, бир фойдаси тегиб қолар.

Ўша куни болаларини олдига солиб, ҳайвонот боғига жўнади.

Қайтишда ўн олтинчи трамвайга чиқиб келишаётган эди, бекатда тўхтаб туришганда, оқ рангли янги «ўттиз бир» ёнма ён келиб трамвай ёнида тўхтади. Ичи тўла одам. Қарасаки, ҳайдовчининг ёнида дўсти ўтирибди. Юрагидан қуёш чиққандай Маҳмуд деб бақириб юборишига оз қолди. Дўсти трамвайга бир қараб қўйди. Уни кўрдими ё шунчаки қарадими, билмади. Кейин кўк чироқ ёниб, машина ғизиллаганча бир пастда кўздан ғойиб бўлди.

Ажабо... Уйда меҳмонлар бор, деган эди. Нима қилиб машинада юрибди бўлмаса! Кўнгли бироз хижил тортди. Энди ҳеч уйига бормайман, телефон ҳам қилмайман, деб кўнглидан ўтказди. Бекорга ундан ўпкаланаяпман. Балки, меҳмонларни олиб, шаҳар айланиб юргандир. Ёки бозор-ўчар қилишга Эски шаҳарга тушгандир.

Уйга қайтиб келишди. Хотини чучвара қилган экан. Ҳаммалари ўтириб, маза қилиб овқатланишди.

— Ўртоғингизникида бугун роса зиёфат бўлса керак. Нега энди қадрдонингиз уйга келақол демади, — деди хотини.

— Ким билади дейсан, келадиган меҳмонлари менга тўғри келмаса керак. Бир ўзи бўлганда бошқа гап эди.

— «Бой бойга боқар, сув сойга оқар» деганлар. Энди ўртоғингизга сиз керак эмассиз...

— Қўйсангчи шунақа гапларни, балки хўжайинлари келадигандир, мен нима қиламан ошга қатиқ бўлиб.

— Ахир сиз ўттиз йиллик ўртоғисиз, мен унинг ўрнида бўлсам, Ҳасан, тезда етиб кел, — дердим.

— Қўй-е, гапнинг ҳам мағзавасини чиқариб юбординг, бўлди!

— Вой нега мени оғзимга урасиз, ахир ҳақ гапни айтаяпман, кимсан жаноби Вазир бўлсалар, сиз ким бўлибсиз, бир мактабдош ўртоқ...

Ҳасан индамади, бир гапдан қолақолай деб. Асабини бузиб нима қилади, хотинининг тили узун, чакаги бир очилмасин. Илгари ҳам дўсти келганда унчалик рўйхуш бермасди, «шу ўртоғингиз менга ёқмайди» деб. Ана энди гўё хотини ўзича ҳақ бўлиб чиққандай.

— Кўрасан ҳали, Маҳмуд сен ўйлаганча йигит эмас, у ҳақиқий дўстим.

— Кўрамиз ҳали омон бўлсак.

— Ўзим қўнғироқ қиламан, деди-ку.

Шу вақт телефон жиринглади. Ҳасан шошганча трубкани олди. Кейин хотинига:

— Опанг чақиряпти, — деди секингина.

(Давоми. Боши газетанинг 21 январь сонида).

(Давоми бор).

Ўзи емас, итга бермас, Ўзи йиқилган, йиғламас.

БОШИНГГА ТАШВИШ ТУШГАНДА...


КИШИ бошига бир ташвиш тушмасин, кейин ғамандуҳ остида қолиб кетар экансан. Қадрдонимиз Раҳим аканинг йигирма яшар ўғли фалокат юз бериб, оламдан кўз юмди. Ҳа, ҳеч кимнинг бошига фарзанд доғини солмасин, илоҳо! Бу ҳам етмагандек шўрликнинг ишхонасини тафтиш босди, кимдир юқори жойга шикоят хат ёзиб юборган экан. Ўғлининг йигирмаси куни чунонам ёмғир ёғдики, худди осмондан челаклаб қуйгандек. Уйининг томидан чакка ўтиб кетди.

Дўст-ёрлари, қариндош-яқинлари Раҳим аканинг қўлтиғига кириб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилишди. Барча унинг атрофида парки-парвона. Қайда дейсиз, унинг бошига тушган ғам юки ғоят оғир эди. Ҳаммаси майли-ю, аммо, ўғлининг дарди юрак бағрини эзиб юборди. Охири қон босими ошиб, ётиб қолди.

Донолар демишларки, бошингга оғир кулфат тушганда, сенга ҳеч нарса таскин бермаса, ҳатто, эрта-ю кеч ибодат этиш ҳам ёрдам бермаса, эзгуликка интил, бева-бечораларнинг кўнглини ол, қўлингдан келганча ҳайриэҳсон айла! Шунда бироз бўлса ҳам кўнглинг таскин топади...

Ўзини мақтаган — бир аҳмоқ,
Хотинини мақтаган — икки аҳмоқ.
●
Ўз юрагингга сиғмаган сир,
Ўзганинг юрагига сиғмас.
●
Пашша ҳам анқовнинг оғзини пойлар.

Аёл ердан чиққан эмас, эркак боласи, Эркак кўкдан тушган эмас, аёл боласи.



● *Одоб сабоғи*
Тоҳир ҲАМРОҚУЛ сурати.

РАМАЗОН ОЙИ ТАҚВИМИ

Азизлар! Сизни яқинлашаётган муборак Рамазон ойи билан қутлаймиз. 1 февралдан рўза кунлари бошланади. Рўзадорлар учун қулайлик туғдириш мақсадида рўза тутишда зарур бўлган оғиз бойлаш ва оғиз очиш ниятлари ҳамда бир ой давомида саҳарликка туриладиган, луқмаи ҳалол танаввул этиладиган, шунингдек, оғиз ёпиш ва оғиз очиш дақиқалари қайд этилган жадвални эътиборингизга ҳавола этамиз.

БОБОКАЛОНЛАРИМИЗ НАСИҲАТИ

КЎНГИЛГА ЙЎЛ

БИР жаҳонгашта сайёҳдан сўрабдилар:

— Эй, сайёҳ, сен сайёрадек жаҳон кезурсан, кўрмаган мамлакатинг, шаҳаринг қолмади, ёшинг ҳам бир жойга бориб қолди, на хотининг, на фарзандинг бор...

— Ҳақ гапни сўзладингиз, эй улуғ зот, не қилай, бир нотавонмен, жаҳонгашталикни касб этиб олдим, тақдир экан, иложим қайда, — дебди сайёҳ.

— Сенга бир саволим бор, айтчи менга, жаҳонгашталик билан дунё кезиб, бирор кишининг кўнглига йўл топганимда дунё кезиб, сарсон-саргардон бўлиб юрармидим, — деди кўзига ёш олиб.

Ҳа, кўнгил-кўнгилдан сув ичар, аммо, бировнинг қалбига йўл топмоқ, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

БУ ҲАМ ЎТИБ КЕТАДИ

РИВОЯТЛАРГА қараганда, бир аллома донишманд одам қизини турмушга бераётганда, мендан эсдалик бўлсин, деб унга бир узук ҳадя этибди.

Қиз тушган оила жўжавурдек жон экан. Қайнота, қайнона, қайнаға, яна битта келин. Тирикчилик анча қийин, эри эрта-ю кеч тинмай ишлайди. Лекин, бириикки бўлмас эди. Хонадонда баъзан қозон қайнаса қайнайди, бўлмаса йўқ. Қайнонасининг тили бўлса узун, арзимаган нарсадан жанжал чиқариб, машмаша кўтаради.

Баъзан келин уйига кириб олиб, юм-юм йиғлаб дардини ёзарди.

Бир куни йўқчилик жонидан ўтиб кетган қиз йиғлаб ўтирганда отаси ҳадя этган узук ёдига тушиб қолибди. Сотиб бирор кор-холига яратмоқчи бўлиб, сандиқдан узук солинган садаф қутичани олибди. Узукни биринчи бор қўлига тақибди, қараса, узукнинг кўзига: «Бу ҳам ўтиб кетади...» деб ёзиб қўйилган эмиш.

Қиз хаёлга чўмиб, дили бироз таскин топиб, ҳовлига чиқиб, ҳамма ёқни супуриб-сидириб, кейин кир ювибди, бир пасда хамир қилиб, тандирда нон ёпибди. Уйларни тартибга солибди, йўқ ердан бор қилиб, чиройли дастурхон тузибди. Бир вақт қайнонаси ўз хонасидан чиқиб:

— Барака топинг қизим, сизни тарбиялаган отангизга, онангизга раҳмат, — дебди.

Қайнонасига қараб, келин ҳайрон бўлиб турган экан, қайнонаси:

— Мана бу зиракни олинг, мендан эсдалик бўлсин, сизга атаб қўйган эдим, — деб феруза кўзли чиройли зирак ҳадя этибди.

Шундан кейин оилада тотувлик, меҳр-оқибат, осойишталик бошланибди. Эрининг иши ҳам юришиб, бойиб кетишибди, егани олдида, емагани ортида. Мўлкўлчилик, қўша-қўша гиламлар, қимматбаҳо буюмлар сотиб олишибди. Ҳар ҳафтада қўй сўйилар, хонадондан эса меҳмон аримасди. Ўз ҳаётидан ғоят мамнун бўлган қиз, яна хаёлга чўмибди, отаси берган узук ёдига тушибди. Сандиқни очиб узукни олиб қўлига тақибди. Яна ўша узук кўзидаги ёзувни ўқибди: «Бу ҳам ўтиб кетади...»

Рўза тутиш нияти
Навайту ан асума шаҳра рамазана минал фажри илал мағриби ҳолисан лилаҳи Таала. Аллоҳу акбар.

1995 Милодий
РАМАЗОН

Рамазон кунлари	ФЕВРАЛ	Ҳафта кунлари	Оғиз ёпиш вақти	Оғиз очиш вақти
1	1	Чоршанба	5.55	17.43
2	2	Пайшанба	5.55	17.44
3	3	Жума	5.54	17.46
4	4	Шанба	5.53	17.47
5	5	Якшанба	5.52	17.48
6	6	Душанба	5.51	17.49
7	7	Сешанба	5.50	17.51
8	8	Чоршанба	5.49	17.52
9	9	Пайшанба	5.48	17.53
10	10	Жума	5.47	17.54
11	11	Шанба	5.46	17.56
12	12	Якшанба	5.45	17.57
13	13	Душанба	5.44	17.58
14	14	Сешанба	5.42	17.59
15	15	Чоршанба	5.41	18.01

Аллоҳ таоло учун ихлосим бирла рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмакликни ният қилдим. Аллоҳу акбар.

Оғиз очиш нияти
Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва алайка таваккалту ва ала ризқика афтарту, фағфирли Я, Ғаффору ма қоддамту ва ма аххарту.

1995 Милодий
РАМАЗОН

Рамазон кунлари	ФЕВРАЛ МАРТ	Ҳафта кунлари	Оғиз ёпиш вақти	Оғиз очиш вақти
16	16	Пайшанба	5.40	18.02
17	17	Жума	5.39	18.03
18	18	Шанба	5.38	18.04
19	19	Якшанба	5.36	18.06
20	20	Душанба	5.35	18.07
21	21	Сешанба	5.34	18.08
22	22	Чоршанба	5.32	18.09
23	23	Пайшанба	5.31	18.10
24	24	Жума	5.30	18.12
25	25	Шанба	5.28	18.13
26	26	Якшанба	5.27	18.14
27	27	Душанба	5.25	18.15
28	28	Сешанба	5.24	18.16
29	1	Чоршанба	5.22	18.18
30	2	Пайшанба	5.21	18.19

Эй, бор Худоё, ушбу рўзамни фақат сенинг учун тутдим ва сенга иймон келтурдим ва сенга таваккал қилдим ва сенинг берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй, гуноҳларни авф қилувчи Аллоҳ, бас, менинг аввалги гуноҳларимни ва охирги гуноҳларимни мағфират қилгил ва ярлақагил.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими:* *33-40-48* *Эълонлар:* *33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0007. 18527 нусҳада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 22.30. 1 2 3 4 5 6